



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100011, Toshkent sh., Navoiy ko'chasi, 4, tel.: (998 71) 241-08-95, 241-68-95,
www.ssv.uz, e-mail: info@ssv.uz, ssv@exat.uz

2022 йил "4" июль

08-19374 - сон

Azizova. P.I.
5.07.22

**Қорақалпоғистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирлиги,
Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш
Бош бошқармаси, вилоятлар
соғлиқни сақлаш бошқармалари,
Вазирлик тасарруфидаги тиббиёт
Олий таълим муассасалари ва
илмий ташкилотларга
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Тиббиёт бош
бошқармасига**

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази
томонидан режалаштирилган «Респиратор тиббиётда инновацион
технологиялар» мавзусидаги халқаро мутахассислар иштирокидаги V-
форумни гибрид шаклда ўтказиш тўғрисида**


КЎРСАТМА ХАТ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йилга мўлжалланган асосий ташкилий тадбирлар режаси ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2022 йилнинг 16 сентябрь куни Тошкент шаҳри «Wyndham Tashkent» меҳмонхонасида **«Респиратор тиббиётда инновацион технологиялар»** мавзусидаги халқаро мутахассислар иштирокидаги V-форуми **гибрид шаклда ўтказилсин.**

2. Форум иштирокчилари ўринлари тақсимоли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази директори (Х. Акилов), Фан ва таълим бошқармаси бошлиғи (У. Исмаилов), Даволаш-профилактика ёрдамни ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғи (У. Рискиев) форумга пухта тайёргарлик кўрган ҳолда, белгиланган муддатда юқори илмий ва ташкилий савияда ўтказилишини таъминласин.



4. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази директори Х.Акиловга:

- сертификатларни тайёрлаш ва форум иштирокчиларини ўрнатилган тартибда сертификатлар билан таъминлаш амалга оширилсин;

- форумни ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча сарф-харажатлар ҳомийлар ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қопланиши назарда тутилсин;

- форум эпидемиологик ҳолатни инобатга олиб, катъий профилактик чоралар кўрилган ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон Қарори билан тасдиқланган “Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидалари”га мувофиқ ўтказилиши ва форум ўтказилганлиги тўғрисида ҳисоботни 3 кун муддат ичида Фан ва таълим бошқармасига тақдим этилиши таъминлансин.

5. Тадбир ишини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш Матбуот ва PR хизмати раҳбари Ф. Санаевга юклатилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, тиббиёт олий ўқув юртлари ректорлари, илмий-ташкilotлар директорларига иловага мувофиқ симпозиум ишида қатнашиш учун ўз вакилларини қатнашишини таъминласин.

7. Форум иштирокчиларининг хизмат сафари билан боғлиқ харажатлари иш жойидан қопланиши назоратга олинсин.

8. Ушбу кўрсатма хат ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Вазирнинг
биринчи
ўринбосари**



А.Иноятов